

**“Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида  
“Педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун  
замонавий янги кўникмалар” танловини ўтказиш  
ҚОИДАЛАРИ**

**1. Умумий қоидалар**

Ушбу ҳужжат “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида Педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун молиявий саводхонлик бўйича Марказий банк томонидан ўтказилаётган “Педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун замонавий янги кўникмалар” танлови (бундан буён матнда Педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун танлов деб тутилади) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

Танлов Марказий банк томонидан ўтказилиб, иштирокчилар яратган услубий ишланмалар орқали молиявий саводхонликни ошириш, молиявий қарорларни қабул қилишда молиявий барқарорлик, шахсинг молиявий келажаги учун индивидуал молиявий ҳатти-ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида хабардорликни ошириш кўзда тутилган.

Ушбу танловда ёшларнинг эрта ёшдан бошлаб молиявий билимлардан хабардор бўлиб, тўғри молиявий қарорлар қабул қила олишларининг асосий афзалликлари ҳамда моҳиятини очиб берган энг яхши услубий ишланмалар аниқланади.

**2. Танлов мақсади**

Танловнинг мақсади – молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиларини ҳимоя қилиш ва молиявий математика соҳасидаги ўқитувчи-талабаларнинг ўқув, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантиришдан иборат. Танлов мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланади:

- талабаларга молиявий саводхонлик асослари бўйича маслаҳатлар бериш;
- ўқув-услубий материалларни яратиш учун зарур бўлган саволлар баёни;
- молия мактаби ва ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълим соҳасида фойдаланишлари учун оригинал ўқув-услубий материаллар яратиш;
- молиявий таълим соҳасида илғор тажрибаларни оммалаштириш ва таълим сифатини ошириш.

**3. Танлов иштирокчилари**

Танлов педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларининг 3-4 курс талабалари доирасида ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи танловга фақат битта индивидуал услубий ишланманинг лойихасини тақдим этиши мумкин. Коллектив услубий ишланмаларнинг лойихаси танловга қабул қилинмайди.

**4. Танловнинг техник шартлари**

Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар қуйидаги материалларни топшириш лозим:

- танловда иштирок этиш учун ариза (1-илова);

- молиявий саводхонлик бўйича дарсни ўтказиш учун услубий ишланмаларни ишлаб чиқиш (Word форматида (doc ёки docx) - сарлавҳа саҳифаси бўлган матн, мавзу номи (фан соҳаси), танлов мавзуси, муаллиф ҳақида маълумот (тўлиқ исм фамилия, таълим муассасаси, синф, факултет), аудитория (тингловчилар ёши, синф) Ўқув материаллари (25 бетдан кўп бўлмаган) ва тақдимотлар электрон шаклда тақдим этилиши керак;

- кўшимча материал (дарс учун 15 слайдгача тақдимот, фото материаллар, инфографика ва ҳ.к.).

### **Услубий ишланмаларга қўйиладиган талаблар**

Молиявий саводхонлик бўйича услубий ишланмаларнинг лойихаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- услубий ишланмаларнинг мазмуни мавзу ва мақсадга мос келиши керак;
- материал тизимлаштирилиши лозим;
- услубий ишланмада аниқ материаллар, босма ва электрон маълумотларнинг манбалари кўрсатилган бўлиши керак;
- услубий ишланмаларда Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим ресурсининг таълим ресурсларидан фойдаланиши (Finlit.uz).

### **5. Танлов ишларини баҳолаш мезонлари**

Танлов бўйича ҳайъат аъзолари танловга топширилган ишларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолашади:

- услубий қўлланма мазмунининг молиявий саводхонлик мақсади ва вазифаларига мувофиқлиги.
- услубий қўлланмада ижодий ёндашув (молиявий саводхонлик бир нечта мавзуларини бирлаштириш – молиявий хавфсизлик, жамғариш маданияти, рақамли молиявий саводхонлик, молиявий режалаштириш);
- материалнинг тақдим этилиши ва мослашиш қулайлиги (графиклар, диаграммалар ва бошқалар);
- услубий қўлланмага “edutainment” форматидаги интерактив компонентлар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим веб-сайтнинг таълим материалларидан фойдаланиш.

### **8. Танлов ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати**

#### **Танлов ташкилий қўмитаси**

Танлов ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташкил топилади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчилардан аризалар ва танлов ишларини йиғиш;
- танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва ҳужжатларни текшириш, шу жумладан ишларни контрафактга текшириш ишларини ташкил этиш;

- танлов ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;

- Марказий банк веб-сайти ва ижтимоий каналларида танлов бўйича эълонларни бериб бориш;

- мазкур ҳужжатнинг 4-5-бандида кўрсатилган танлов шартларига мос келмаган ишларни муаллифни огоҳлантирмасдан танловда иштирок этишдан четлатиш бўйича таклифларни танлов ҳайъатига киритади.

Танловнинг ташкилий қўмитаси танлов ишларини жамоатчилик эътиборига тақдим этиш ва танлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида муаллифни хабардор қилмасдан ва уларга ҳақ тўламасдан ҳар қандай танлов ишларини тўлиқ ёки қисман нашр этиш ҳуқуқига эга.

### **Танлов ҳайъати**

Танлов ишларини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларида танлов ҳайъати тузилади.

Танлов ҳайъатининг ҳар бир вакили танлов мезонларига жавоб бермайдиган танлов ишларини асослангирган ҳолда баҳоламаслик ҳуқуқига эга.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида 2/3 қисми (кворум) Танлов ишларини баҳолаган тақдирда якуний натижалар инобатга олинади ва ваколатли ҳисобланади.

### **9. Танловни ташкил этиш тартиби ва шартлари**

Танлов ишлари **2023 йил 20 июндан 1 август кунигача қабул қилинади**. 2023 йил 1 августдан кейин келиб тушган ариза ва ишлар танловида иштирок этишига рухсат берилмайди. Танловида иштирок этиш танлов шартлари билан танишиб чиққанлик ва уларга тўлиқ риоя этилишига розиликни англатади.

Танлов зарур ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами билан камида 10 нафар номзод иштирок этган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

Танловда иштирок этиш ва унинг натижалари бўйича апелляциялар қабул қилинмайди.

### **Ғолибларни саралаш тартиби**

Танлов ҳайъати аъзолари ушбу регламентда белгиланган тартибда аризалар топшириш тугагандан сўнг иштирокчиларнинг танлов ишларини баҳолайдилар. Баҳолаш натижаларига кўра ташкилий қўмита олинган балларни умумлаштиради. Ғолиблар ва совриндорлар энг кўп балл тўплаган иштирокчилар орасидан аниқланади.

Агар ғолиблар аниқланмаса, танлов ҳакамлар ҳайъати танловни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Танлов ғолиблари Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналларида эълон қилинади.

Танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 иш куни ичида ғолиб мукофотни олишдан ихтиёрий равишда бош тортган ёки уни олиш ниятини билдирмаган бўлса, уни олиш ҳуқуқини йўқотади.

Мукофотни олишдан бош тортган ёки белгиланган муддатда уни олиш/фойдаланиш ниятини билдирмаган ғолиб ушбу муддатдан кейин ташкилотчидан совринни талаб қилишга ҳақли эмас.

Соврин иккинчи (2) ўринни эгаллаган ғолибга берилади.

Танлов ғолиблари қуйидаги совғалар билан тақдирланадилар:

**1,2,3 ўрин: Марказий банкда 6 ойлик амалиёт.**

### **9. Аризаларни тақдим этиш**

Танлов иштирокчилари аризалар ва услубий ишланмалар [konkurs.cbu@gmail.com](mailto:konkurs.cbu@gmail.com) электрон почта манзилига юборишлари (хат мавзусида “**Global Money Week 2023**” педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари учун танлов деб кўрсатилиши шарт), электрон почта манзили, 100001, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 6 почта манзилига, ҳудудий Бош бошқармалари (<https://cbu.uz/oz/about/central-office/regional/>) орқали юбориши ёки шахсан электрон хотирада Марказий банк биносига олиб келиб беришлари мумкин.

Қўшимча саволлар юзасидан қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: +99871 212-73-56, +99871 212-73-58.

### **Ариза шакли**

Ф.И.Ш	
ОТМ номи	
Курс	
Факультет	
Телефон рақами	
Уй манзили	
Ариза тўлдирилган сана	